



ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ


Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан 21-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ташрифнинг асосий воқеалари 22 ноябрь кунни бўлиб ўтди. Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париждаги Бурбон саройида Франция

амалга ошириш борасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди. Франция Миллий йигини раҳбари Ўзбекистонда, шу жумладан, парла-

янгилианишларнинг боришини юксак баҳолади. Гендер тенгликни таъминлаш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон бу борада катта



Миллий йигини Раиси Яэль Браун-Пиве билан учрашув ўтказди. Парламентлар ўртасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётни янада демократлаштириш бўйича ислохотларни

ментаризмни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, гендер тенгликни илгари суриш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли демократик

муваффақиятларга эришгани, мамлакатимизда хотин-қизлар қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият идораларида, тадбиркорлик ва ижтимоий соҳада муносиб ўрин эгаллаётгани қайд этилди.

2022 йил сентябрь ойида мамлакатимизда илк бор жаҳон парламентлари етакчи аёлларининг 14-саммити ўтказилди. Етакчи аёлларнинг ролини ошириш тўғрисида Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Учрашувда ўлим жазосини бекор қилиш, инсон ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, экологик муаммоларни ҳал этиш тўғрисидаги нормалар ва бошқа муҳим қоидаларни мустаҳкамлаб қўйиш кўзда тутилган конституциявий ислохотни амалга оширишга тайёргарлик борасидаги асосий ёндашувлар муҳокама қилинди.

Парламентлараро дўстлик гуруҳининг учрашувларини ўтказиш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Европа Парламенти, Парламентлараро иттифок, ЕХХТ Парламент ассамблеяси доирасидаги ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

Учрашув якунида Президентимиз Фахрий меҳмонлар китобида қайд этиб қолдирди. Шунингдек, Франция Миллий йигини Раисини ўзи учун қўлай вақтда ташриф билан мамлакатимизга боришга таклиф этди.

Париждаги анъанавий равишда расмий тадбирлар ўтказиладиган Фахрийлар уйида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг расмий қўтиб олиш маросими бўлди. Майдонда олий мартабали меҳмон шарафига Франция Республика гвардияси ҳарбий хизматчилари саф тортиди. Ҳарбий оркестр икки мамлакат давлат мадҳияларини ижро этди. Гвардиячилар давлатимиз раҳбари олди-дан тантанали юриб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Франция ташқи савдо, иқтисодий жозибдорлик ва хориждаги француз фуқароларининг ишлари бўйича вазир

Оливье Бешт фахрий қоровул сафи олди-дан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Маросимдан сўнг Ўзбекистон делегацияси Франция Президентининг қароргоҳи — Елисей саройига йўл олди.

Елисей саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг музокаралари бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини атрофлича қўриб чиқдилар ва муносабатларни юксак даражадаги кенг қамровли шериклик руҳида ривожлантиришга келишиб олдилар.

Етакчилар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган жорий йилда икки томонлама алоқалар жадал суръат билан ривожланиб бораётгани, кенг сиёсий мулоқот чуқурлашиб, халқаро ташкилотлар доирасида томонлар ўзаро қўмақлашаётгани, парламентлараро мулоқот кенгайганини мамнуният билан қайд этдилар.

Кейинги йилларда Франция компаниялари иштирокидаги қўшма корхона ва лойиҳалар сони уч баробар кўпайди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган қўшма лойиҳаларнинг жорий портфели 5 миллиард евродан ошди.

Энергетика, геология-кидирув, озиқ-овқат санъати ва савдо соҳаларида "Total Eren", "Veolia", "EDF", "Orano", "Lactalis", "Carrefour" ва "Shiever" каби халқаро миқёсдаги компанияларнинг ўзаро манфаатли фаолияти қайд этилди.

Шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, "яшил" иқтисодиёт, коммунал, гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларда иштирок этаётган Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги мазмун касб этди.

Ташриф арафасида ўтказилган Ўзбекистон — Франция ишбилармонлик тадбирларининг якунлари, уларнинг доирасида умумий қиймати 6 миллиард евродан ортиқ бўлган савдо-иқтисодий битим ва шартномалар имзолангани юксак баҳоланди.

Хавфсизлик соҳасида, юзага келаятган таҳдид ва хатарларга самаралар қарши курашиш борасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдорлик билдирилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришнинг аҳамияти қайд этилди. Томонлар Самарқандда Франция альянсининг бўлинмаси очилишини қўллаб-қувватладилар ҳамда жорий йил 27-28 ноябрь кунлари Парижда иккинчи Ўзбекистон — Франция таълим форумининг ўтказилишини олқишладилар. Француз тили ўқитувчиларини тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Етакчилар Ўзбекистоннинг маданий-тарихий меросига бағишлаб Лувр музейида "Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида" ва Араб дунёси институтида "Самарқандга йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари" кўргазмалари очилишини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Учрашув очик, самимий ва дўстона муҳитда ўтди. Якунда Шавкат Мирзиёев

Эммануэль Макронни ўзи учун қўлай вақтда ташриф билан мамлакатимизга боришга таклиф этди.

Елисей саройида ўтган олий даражадаги музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон рафиқалари билан Париждаги Лувр музейида бўлдилар.

Лувр дунёдаги энг катта ва энг кўп ташриф қилинадиган музейлардан бири бўлиб, энг йирик ва қимматли бадиий асарлар тўпламига эга. Ҳар йили бу ерга 10 миллионга яқин сайёҳ келади.

Халқимизнинг бой маданий меросига бағишланган "Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида" кўргазмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг октябрь ойида Францияга амалга оширилган ташрифидан давомидан эришилган келишувларга мувофиқ ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ўшанда Ўзбекистон ва Франция музейлари ҳамкорлигида кўргазмалар ташкил этиш, мамлакатларимиз ўртасида илмий ва маданий алоқаларни кенгайтириш зарурлигини қайд этган эди. Ўзбекистон Маданият ва санъатни ривожлантириш жағфармаси ва Лувр музейи ўртасида тегишли меморандум имзоланди.

Кейинги уч йил давомида кўргазмаларга пухта тайёргарлик қўрилди. Бир неча Ўзбекистон ва Франциянинг биргаликдаги экспедициялари уюштирилиб, кўплаб археологик топилмалар кашф қилинди. Бундан ташқари, Лувр реставрациячилари ва мамлакатимиз мутахассислари бир неча босқичдан иборат кенг қўламли тиклаш тадбирларини амалга оширди.

Бу ишлар натижасида Луврнинг Ришелье зали ва Ислон бўлимида хронологик кетма-кетликда жойлаштирилган бешта бўлимдан иборат катта кўргазма макони яратилди. Булар — "Воҳа давлатлари ва подшоҳликлари даври: Ипак йўлидаги маданиятларнинг мулоқоти", "Ўрта асрлар ва санъатнинг гуллаб-яшнаши", "Марказий Осиёда исломнинг тарқалиши, маданият ва фан даври: Уйғонув даври", "Ибн Синодан Чингизхонгача", "Буюк империялар даври: Темурийлар ва Шайбонийлар".

Юртимиз тарихининг 1500 йилдан ортиқ даврини қамраб олган кўргазма мамлакатимизнинг 16 музейидан 138 та ноёб ашё, шу жумладан, кўргазма учун махсус реставрация қилинган 70 та экспонатдан иборат. Шунингдек, Франция, Буюк Британия ва АҚШнинг йирик музейларидан келтирилган 31 та буюм кўргазмадан жой олди.

Кўргазманинг илк меҳмонлари бўлган Ўзбекистон ва Франция етакчилари Далварзинтепа ва Холчаён ёдгорликларидан топилган экспонатлар, Варахшадаги қизил рангли хонадан деворий сурат, Кофирқалъадан ўймакор панно, Катта Лангар Қуръони саҳифалари, Амир Темур мақбарасидан қўш эшик, Афросиёбдаги элчилар тасвири туширилган деворий сурат ва бошқа экспонатлар билан танишдилар. Уларнинг яратилиши ва топилиши, улар билан боғлиқ тарихий даврлар ва шахслар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ТАҚДИМОТ

100 ЖИЛДЛИК
МУҲТАШАМ МАЖМУА

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрь кунин Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида ташкилотга аъзо давлатлар адабиётининг энг сара намуналаридан иборат 100 жилдлик китоблар туркумини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш ғоясини илгари сурган эди.

▶ Давоми 6-бетда

БУНЁДКОРЛИК

Кўхна Андиконинг шимоли-шарқидagi Садатаги маҳалласида бунёд этилаётган шаҳар қурилиши бепоён қир-адирликларга янги ҳаёт нафасини олиб кирди.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН
ОРЗУЛАР

Президентимиз 2021 йил 17 июнь кунин Андикон вилоятига ташрифи чоғида Андикон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ғоясини илгари сурди. Бу бежиз эмас. Чунки Андиконда ер кам, одамлар зич яшайди, уларнинг уй-жойга талаби йиллар давомида ортиб борди. Бир хонадонда бир неча оила яшагa мажбур бўлган.

Янги Андикон шаҳри қурилиши мавжуд муаммоларга ечим бўлди.

Умумий майдони 4 минг гектар ерда шаҳар қурилишига тамал тоши қўйилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо бажарилган бунёдкорлик ва ободлик ишлари йилларга татийди.

▶ Давоми 3-бетда

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

ФРАНЦИЯДА УЛУҒВОР
ТАРИХИМИЗ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Шу йилнинг 23 ноябридан 2023 йил 6 мартга қадар Францияда Ўзбекистон воҳаларининг улугворлигига оид кўргазма ўтказилмоқда. Унда юртимиз заминида ҳукм сурган цивилизациялар, сулолалар ва подшоҳликлар ҳаётидан, санъати, маданияти ва тарихидан ҳикоя қилувчи кўплаб экспонатлар намойиш этилади. Дунё аҳли мамлакатимиз тарихи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади. Бу Ўзбекистонни дунёга янада танитиш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, маданий ҳамкорлик учун янги эшиклар очиши қўтилмақда.

▶ Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН – ФРАНЦИЯ: ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Бошланиши 1-бетда

Давлат раҳбарлари кўргазма юксак даражада ташкил этилгани ва унда ўзига хос муҳит яратилганини таъкидлаб, икки мамлакатнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ушбу тадбирни тайёрлашга ҳисса қўшганларга миннатдорлик билдирди.

Луврдаги кўргазма нафақат Ўзбекистон ва Франция халқлари, балки бутун Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги азаллий тарихий алоқаларни, дўстлик ва ўзаро англашувни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Кўргазма 2023 йил 6 март кунига қадар давом этади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон рафиқалари билан биргаликда Париждаги Араб дунёси институтига ташриф буюрдилар.

Бугунги кунда бу ерда институт ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида “Самарқанда йўл. Ипак ва олтин мўъжизалари” номли кўргазма ташкил этилган. Унда Ўзбекистоннинг XIX аср охири — XX аср бошларига оид бой моддий маданияти тақдим этилган.

Ўзбекистоннинг 9 та энг йирик музейларидан 300 дан ортқ экспонат жорий йилнинг 23 ноябрь кунидан 2023 йил 4 июнь кунига қадар илк бор Францияда кенг халққаро жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Кўргазмадан Нукус, Самарқанд, Бухоро ва Тошкент музейларидан келтирилган тўқимачилик буюмлари, либос ва пойабзаллар, бош кийим тўплamlари, шунингдек, Туркистон авангарди йўналишига мансуб 24 та

мўйқалам асари ўрин олган. Тайёргарлик доирасида 89 та заргарлик буюмлари реставрация қилинди.

Президентлар учун кўргазма бўйлаб экскурсия ўтказилди, экспонатлар тўғрисида батафсил сўзлаб берилди.

Хунарманд ажодларимизнинг юксак ижодий тафаккури ва маҳоратидан далолат берувчи ушбу буюмларнинг ранг-баранглиги ва нафосати Франция томонида ҳайрат уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияда расмий ташрифи самарали бўлди.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарлари юксак даражадаги кенг камровли шериклик муносабатларини ривожлантириш мақсадида Қўшма баёнот қабул қилдилар.

Умуман, Ўзбекистон — Франция муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган 14 та қелишув қабул қилинди. Франция тараққиёт агентлиги билан 2023-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича стратегик шериклик тўғрисидаги битим ҳамда Ташқи сиёсий идоралар ўртасидаги 2023-2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури шулар жумласида.

Маданий-тарихий мерос, мактабгача, халқ ва олий таълим, давлат хизматини ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида декларациялар ҳам имзоланди.

Фуқаролик авиацияси, коррупцияга қарши курашиш, судьяларнинг малакасини ошириш, француз тилини ўқитиш ва бошқа йўналишларда ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга расмий ташрифи якунланди.

ЎЗА

КУН МАВЗУСИ

САМАРАЛИ АЛОҚАЛАРНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ

Анора ТОҒАЕВА,
Ўз ФА Тарих институти катта илмий ходими,
тарих фанлари номзоди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 21-22 ноябрь кунлари Францияга расмий ташрифи халқларимиз, айниқса, илм ахли ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Франция билан ўзаро алоқаларимиз 600 йилдан ортқ тарихга эга. Бунда биринчи галда Амир Темур ва Франция қироли Шарл VI ўртасидаги ёзишмаларни эслаймиз. Соҳибқирон мактубида қайд этилган, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш ҳақидаги тақлифлари икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар тарихида муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, француз қироли ҳам ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш истагини билдирган. Тарихдан маълумки, Амир Темурдан сўнг унинг ўғли Мироншоҳ (1366-1408) ҳам Франция қироли билан ёзишмалар олиб борган ва у ҳам савдогарлар манфаатини кўзлаб иш тутуш лозимлигини баён этган.

Ўрта асрларда француз олимларининг Туркистондаги ислом таълимоти ва тарихига оид асарларни ўрганишга қўшган ҳиссаси, Амир Темур ва теурийлар даврини тадқиқ этиш борасидаги ўзига хос ёндашувлари, халқимиз тарихига оид манбаларни француз тилига ўғириб, улардан кенг фойдалангани эътиборга лойиқ.

Кейинги даврларга оид манбалар ҳам ўзаро алоқалар изчил давом этганидан далолат беради. Машҳур француз инженери, Сувайш каналлини барпо этган қурувчилардан бири Фердинанд де Лессепс (1805-1894) билан боғлиқ воқеалар ҳам ўзаро алоқалар ўрнатишга бўлган интилишни намоён этади. Ўз даврида Туркистонга темир йўл ўтказиш масаласида тадқиқот ишлари олиб борган Фердинанд де Лессепс Европани ушбу минтақа орқали Ҳиндистон билан боғлаш лойиҳасини тузган. Лессепс йўл қурилишида француз пайчилик жамияти маблағидан фойдаланиш тақлиф қилган. Унинг лойиҳаси Париждаги рус консули воситчилигида рус ҳукуматида тақдим этилган ва

1875 йил 3 январда махсус ҳукумат мажлисида қўриб чиқилган. Ийгилишда қатнашган Россия империяси ҳукуматининг аксарият вакиллари ўша даврдаги ўз сиёсий манфаатларидан келиб чиқиб, Фердинанд де Лессепс лойиҳасига қарши овоз берган ва мажлис француз инженерининг тақлифини рад этиш қарори билан якунланган.

Француз тадқиқотчиларининг Туркистонни ўрганиш борасидаги ҳаракатларини XIX аср охирида минтақага келган Мари Бурдун (1845-1912) фаолияти мисолида қўриш мумкин. Ушбу француз хоними турмуш ўртоғи, шарқшунос Шарл Эжен Уйжибалли (1842-1904) билан биргаликда Туркистон шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилган ва ўзининг “Париждан Самарқандгача” деб номланган китобини чоп эттирган. Ундан жами 300 та расм ўрин олган.

1978 йили Қўқонга ташриф буюрган Мари Бурдун хон ўрдасининг ҳар томонидан олинган суратларини китобга киритган. Санъатшуносларнинг маълумот беришича, француз аёли ўша даврда 113 хонадан иборат бўлган сарой тузилиши ҳақида қизиқarli маълумотларни келтирган. Хусусан, сарой залларидаги қайрағочдан ясалган паркет поллар ҳақида ҳам эслатиб ўтилган.

Шарл Эжен Уйжибаллининг ўзи ҳам йирик илмий сафарга раҳбарлик қилиб, Туркистон ҳудудларида археология, антропология ва этнография каби соҳалар бўйича изланишлар олиб борган ва бу борадаги қўлаб асарлар муаллифи ҳисобланади.

Замонавий тарихчи олимларнинг маълумотига кўра, 1840-1917 йиллар оралиғида ўлкамизга Франциядан жами 161 сайёҳ ва тадқиқотчи ташриф буюрган.

Туркистонга уюштирилган сафарлар илмий, ҳарбий, муҳандислик,

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАНИ ҲОЛДА ИСТИҚБОЛДАГИ МУНОСАБАТЛАР УЧУН ЯНАДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИНИ ОЧАДИ

21-22 ноябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев Франция Президенти Эммануэль Макроннинг тақлифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташриф давомида Париж шаҳрида олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Франция Миллий йиғини раҳбарияти билан парламентлараро муносабатларни янада жадаллаштириш масалаларини муҳокама қилди. Француз тадбиркорлари ва банклари раҳбарлари билан мулоқотда уларни Ўзбекистонда бизнес қилишга чақирди. Икки кунлик ташриф давомида мамлакатларимиз ўртасидаги қўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, маънавий-маърифий, маданият, савдо-иқтисодий, таълим, ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича бир қатор муҳим қелишувларга эришилди. Алоҳида эътибор “яшил” иқтисодиёт, юқори технологиялар ва рақамлаштириш соҳаларига қаратилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парижда ўтказган самарали музокаралари натижаларига ҳоржий экспертлар, халққаро таҳлил доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ўз муносабатини билдирмоқда.

Андрис Америкс,
Европарламентнинг Марказий Осиё билан алоқалар бўйича делегацияси раисининг ўринбосари:



— Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ёрқин келажаққа қаратилган яқин ҳамкорликни юксак қадрлайман. Ўзбекистон Президентининг Европа Иттифоқи давлатларига ҳар бир ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар жуда яхши эканини тасдиқлайди. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ишончли ва содиқ иттифоқчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлгани ҳолда истиқболдаги ўзаро ҳамкорлик учун янада кенг имкониятлар эшигини очади.

Мен Европарламент ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқалар бўйича делегация раисининг ўринбосари сифатида Ўзбекистон ва ЕИ мамлакатлари раҳбарларининг ҳар бир мулоқотини мамнуният билан қабул қиламан ва муносабатларимиз янада ривожланишига чин дилдан ишонаман.

Ким Ёнг Гу,
Корея — Ўзбекистон ишбилармонлар ассоциацияси раиси:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифини катта қизиқиш билан кузатдим. Ўзбекистон Президенти ташрифининг биринчи кунини Франциянинг ўз соҳасида етакчи бўлган компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувга бағишлагани эътиборга молик. Шавкат Мирзиёев Франциянинг компания ва банкларида Ўзбекистонда аниқ сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга эътибор қаратиш имконини берувчи иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистон раҳбарининг “Ҳар бир инвестор Ўзбекистон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажаққа ишонччи тасаввур қилишига интиляпмиз”, деган сўзлари алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳоржий давлатга сармоя қиритишга қарор қилган ҳар қандай тадбиркор учун бу икки омил асосий ҳисобланади. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳоржий сармоя-

вий лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнини чуқур англаганидан далолат беради.

Ўзбекистон Франция учун ҳам, бошқа сармоядорлар учун ҳам нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб қаралганда, бутун МДҲ маконида асосий давлат ҳисобланади. Ишончим комилки, Франция ишбилармон доиралари вакиллари, айниқса, Ўзбекистон “GSP+” макомини олганини ҳисобга олиб, мамлакатда ўз фаолиятини жадаллаштиради. Бу, ўз навбатида, Жанубий Корея тадбиркорларига ўзбек шериклар билан биргаликда Ўзбекистондан ЕИ бозорига чиқиш учун ҳам ажойиб имкониятдир.

Махмуд Ансор Бхатти,
“Islamabad Post” газетаси,
“Centreline” журнали ва “Diplomatic News Agency” агентлиги бош муҳаррири (Покистон):



— Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги ҳаракатлантирувчи қучларини яратиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, миллий иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантириш, ҳудудлараро иқтисодиётни кенгайтиришга қаратилган ислохотлар тизимли ва узоқ муддатли асосда амалга оширилмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон раҳбари фаол ташқи сиёсат йўналишини изчил давом эттирмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида атиги 3 ой ичида бўлиб ўтадиган халққаро тадбирлар рўйхати унинг иш жадвали нақадар тигиз эканлигини теран тушуниш имконини беради: Хитой ва Эрон раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифлари, ШХТ саммити, Венгрияга ташриф, МДҲнинг Санкт-Петербургдаги расмий саммити, Остонада МДҲ

давлатлари раҳбарларининг учрашуви, Марказий Осиё ва Россия раҳбарларининг учрашуви, Туркменистонга ташриф, давлат раҳбарларининг “МО — ЕИ” форматидagi учрашуви, Европа Иттифоқи раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи, ТДТ саммити, шунингдек, ҳаммасблар билан телефон орқали мулоқотлар, ҳоржий делегациялар билан учрашувлар...

Мазкур ташрифлар ва халққаро форумларнинг муваффақиятли натижалари мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга халққаро ҳамжамият қандай баҳо бераётганидан далолатдир. Ўзбекистон шериклик жўғрофиясини кенгайтириб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини шакллантирмоқда.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Президентининг Францияга ташрифи 2018 йилдаги ташриф чоғида ўрнатилган конструктив мулоқотнинг мантйик давоми бўлди.

Ўзбекистон учун Франция ҳам Европа Иттифоқи институтлари билан алоқаларни диверсификация қилиш бўйича Европадаги муҳим мамлакат. Шу боис, ушбу ташриф Франция билан ҳам, Европа Иттифоқининг бошқа давлатлари билан ҳам қўшма лойиҳаларни амалга ошириш механизмларини сарҳисоб қилиш ва белгилаш имконини беради.

Ўтган йилдан буюн Ўзбекистон “GSP+” тизимининг бенефициарига айланди, унинг доирасида алоҳида имтиёзлар тақдим этилади. Ушбу макомга эга бўлиш нафақат имкониятларни, балки мажбуриятни ҳам англайди — товарлар юқори стандартлар ва Европа Иттифоқи қоидаларига мос қелиши керак.

Франция Европа Иттифоқининг саноати ривожланган давлатларидан бири бўлгани ҳолда Ўзбекистонга Европаниннг юқори саноат стандартларини жорий этишда, оптимал транспорт-логистика йўлақларини очишда, жумладан, Транскаспий мультимодал йўналишини ривожлантириш орқали товарларни илгари суриш бўйича мақсадли тадбирларни амалга оширишда ёрдам бериши мумкин. Ташриф якунлари мамлакат миллий ишлаб чиқариши, таълим, илм-фан, сайёҳлик ва маданий алмашувлар равнақиға ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

“Яшил” ривожланиш, инновациялар ва замонавий технологиялар, миллий иқтисодиётни рақамлаштириш, қишлоқ ҳўжалигида “ақлли” илмий ечимлардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам томонларни қизиқтиради.

Икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги мулоқоти Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга янги суъят бағишлайди.

тижорат ва туризм йўналишларида ташкил этилган. Масалан, табиатшунос Г.Капо ўрмонзорларнинг қисқариши натижасида келиб чиққан иқлим ва табиат ўзгаришлари масаласини ўрганган.

Француз тадбиркори ва ипакчилик соҳаси тадқиқотчиси Алоизи Туркистонда маҳаллий шароитда ипак қурти уруғларини етиштириш ва маҳаллий аҳолининг ипакчилик бўйича саводхонлигини ошириш мақсадида махсус қўланма яратган. Умуман, француз олимларининг Туркистонга оид бунга ўхшаш қўлаб тадқиқотларини санаб ўтишимиз мумкин.

XX асрнинг 80-йилларида Францияда ташкил этилган “Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганувчилар уюшмаси” аъзолари ҳам теурийлар даври тарихини ўрганишга бекиёс ҳисса қўшган ва ўз илмий натижаларини эълол қилиб борган. Олиб борган тадқиқотлари учун ушбу ташкилот раҳбари ва фаол олимларидан бири Люсен Керен “Шуҳрат” медали билан тақдирланган эди.

Ўзбек ва француз олимларининг илмий алоқалари ҳақида сўз борар экан, уларнинг ўлкамиз археологиясини ўрганиш борасидаги ҳамкорликлариға алоҳида тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Хусусан, 1989 йили Афросиёбда археологик изланишлар олиб бориш мақсадида ўзбек-француз илмий гуруҳи ташкил этилган бўлиб, мустақиллик йилларида бу борадаги алоқалар янада кенгайди. Бу даврда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида ўзбек ва француз олимлари иштирокида ўндан ортқ илмий-археологик гуруҳлар ташкил қилинди. Улар орасида Афросиёбда олиб борилган ишлар натижасини алоҳида қайд этиш зарур. Олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар, шунингдек, Франция илмий тадқиқотлар миллий марказига қарашли лабораторияда ўтказилган текширувларга кўра, Афросиёб қўйи қатламлари 2750 йиллик тарихга тегишлилиги исботланди. Шу асосда Самарқанднинг 2750 ёшда экани аниқланди.

Ўзбек ва француз олимларининг кўҳна Термиздаги илмий изланишлари ҳам самарали бўлиб, ушбу экспедиция натижасида ўзбек халқининг ўтмиш

маданияти ҳорижда кенг тарғиб қилинди. Шунингдек, Шахрисабздаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш ва тиклаш борасидаги илмий ҳамкорлик натижалари ҳам салмоқли бўлди.

Ўзбекистоннинг Франция билан илмий ва маданий алоқалари тарихида ЮНЕСКО доирасида ташкил этилган тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, 1993 йил 29 октябрда Ўзбекистон ЮНЕСКОга аъзо бўлди. 1994 йил октябрда Парижда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган Улуғбек ҳафталиги ташкил қилинди. 1996 йили Франция пойтахтида Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган маданият ҳафталиги ва халққаро йиғин ўтказилди. 1997 йили ЮНЕСКО ҳомийлигида Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари — Бухоро ва Хиваниннг 2500 йиллик тўйи Парижда кенг нишонланди. Кейинги йилларда ҳам шу ташкилот доирасида “Авесто” яратилганининг 2700 йиллиги, “Ал-помиш” достонининг 1000 йиллиги, Шахрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши ўзаро маданий муносабатлар ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Франция давлатлари ўртасида ҳар томонлама ва кенг қўламли алоқалар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг иккала палатасида ҳам Франция парламенти билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил этилган. Франция Сенатида “Франция — Марказий Осиё” парламентлараро гуруҳи, қўйи палата — Миллий ассамблеяда “Франция — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи фаолият юритмоқда. Ушбу алоқалар Ўзбекистон ва Франция халқлари ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Францияга бу галги расмий ташрифи чоғида эришилган аниқ натижалар, миллий тарих ва маданиятимиз дурдонларининг машҳур Лувр музейи орқали турли мамлакатлар ва миллионлаб кишилар эътиборига ҳавола этилиши, ўзбек-француз илмий ва маданий алоқаларининг янги босқичини очиб бериши, миллатимиз шуҳратини бутун дунёга ёйишга хизмат қилади.

Жерри МакДонах,
Жанубий Лондон Савдо-саноат палатасининг ижрочи директори (Буюк Британия):

— Буюк Британия ишбилармон доиралари Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсий ва таққи иқтисодий ташаббусларини катта эътибор билан кузатмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан улкан зафарларга эришди, ийрик халққаро воқеалар шарофати ва муваффақиятининг натижалари ўларок, қўп томонлама ҳамкорлик учун чинакам ишончли платформага айланди.

Ўзбекистон Президентининг икки томонлама йўналишдаги фаолияти алоҳида ҳурматга лойиқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи бунинг яна бир тасдиғидир. Кун тартибидagi бошқа масалалар қаторида икки давлатнинг экологик тоза технологиялари жорий этиш соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш режаларини, биринчи навбатда, 2025 йилгача бўлган “яшил” иқтисодиёт ва хусусий сектор лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи 1 миллиард евродан ортқ қийматга эга қўшма ҳамкорлик дастурини алоҳида таъкидлашни истар эдим.



Нафақат Франция, балки Британия компаниялари учун ҳам эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳат бу давлат-хусусий шерикчилик механизмлари асосида ҳоржий тадбиркорларга тақлиф этилаётган инвестиция лойиҳаларидир. Бу механизм Ўзбекистонда бир неча йиллардан буюн муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Британия компаниялари Ўзбекистонда янги бизнес имкониятларини фаол ўрганмоқда. 30 ноябрь кун Тошкентда бўлиб

ўтадиган Ўзбекистон — Британия Савдо ва саноат кенгашининг (UBTIC) бўлажак йиғилиши икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун яхши имконият бўлади.

Тецулджи Танака,
Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш илмий-тадқиқот институтининг директори (Япония):

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган очиклиқни ҳамда прагматизм билан ажралиб турадиган фаол ташқи сиёсатни юксак баҳолайман.

Франция Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан бири, шунингдек, БМТ Хафсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиб, бу борада Марказий Осиёда муҳим давлат ҳисобланган Ўзбекистоннинг ушбу мамлакат билан ҳамкорлиги изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи икки томонлама муносабатларнинг кенг қамровли йўналишида самарали ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб беради. Шу нуқтаи назардан, сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштириш бўйича ҳар икки мамлакатда ҳали фойдаланилмаган салоҳият мавжуд эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим.



Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон — Франция музокаралари ва олий даражадаги учрашув якунлари икки томонлама сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан шериклигини янада фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатади, деб уйлайман.

“Дунё” АА

НУҚТАИ НАЗАР

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ —

бутун дунёда барқарор ривожланишга эришиш йўлида муҳим қадам



Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Оролбўйи минтақасини
ривожлантириш
масалалари ва экология
қўмитаси раиси

Жорий йил сентябрь ойида тамаддун марказларидан бири бўлган кўча ва гўзал Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити бўлиб ўтди. ШХТ саммитининг шуқуҳи сўнмаган бир пайтда МДХ иштирокчи давлатлари Парламентлараро ассамблеяси кузги сессиясининг мамлакатимизда ўтказилиши ва унда кўрилган масалалар, нафақат аъзо давлатлар, балки жаҳон ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофи сазовор бўлди.

Жорий йил 10–11 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг Самарқандда ўтказилиши ҳам ўзига хос маъно касб этди. Зеро, дунёда кечаётган тўқнашув ва зиддиятлар, инқирозлар хавотирга солаётган, геосиёсий, иқтисодий турбулентлик, экологик таназзул, давлатлар ўртасидаги ишонсизлик катта ташвиш бўлиб турган бир пайтда, парламентлараро ўзаро мулоқот тарафлар манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Ўтган ҳафта Самарқандда бўлиб ўтган “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё”

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон ўта муҳим геосиёсий масалалар юзасидан ўтказилаётган нуфузли анжуманларга мезбонлик қилмоқда. Жаҳон сиёсатининг аҳамиятли тadbирлари Ўзбекистонга кўчди, десак асло муболага бўлмайди. Бу мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдида макъеи тобора ошиб бораётганига ёрқин мисолдир.

формати тadbирлари аҳамияти хусусида ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Зеро, мазкур тadbир Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида мулоқотларни фаоллаштириш, ҳамкорлигимизни амалий дастур ва лойиҳалар билан бойитиш, минтақалараро очик ва самарали алоқалар тизимини шакллантириш, кўп қиррали шериклики янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан гоъят аҳамиятли.

Боз устига, дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнлар ва олдидан башорат қилиб бўлмайдиган турли зиддиятлар, глобал сиёсий ва иқтисодий бекарорлик, турли замонавий таҳдидлар минтақалар ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатли шериклики янада кенгайтиришни, барқарорлики тақозо қилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг барқарор ривожланиши олтига муҳим омилга боғлиқ. Бу биринчидан, иқтисодий ўсиш, иккинчидан, ижтимоий ҳимоя, учинчидан, экологик хавфсизлик, тўртинчидан, маънавий баркамоллик, бешинчидан, институционал асосларни ривожлантириш, олтинчидан, давлат ва жамият қурилишининг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришдир.

Президентимиз “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзусидаги халқаро конференция қатнашчиларига мурожаатномасида таъкидлаганидек, **жадал ривожланиб бораётган икки муҳим минтақанинг ўзаро алоқаларини кучайтириш, “Глобал дарвоза” ташаббусини тўлиқ рўйбга чиқариш мақсадида устувор йўналишлар — рақамли трансформация, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва “яшил ўсиш” лойиҳалари алоҳида эътибор бериш лозим. Минтақамизда энергияни самарали сарфлайдиган ва ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, “ақли кишлоқ**

ҳўжалиги”ни ривожлантириш, қайта тикланадиган энергия манбалари имкониятларини тўлиқ ишга солишда **Европа давлатларининг илгор ва замонавий тажрибаси жуда асқатади.**

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда дунёда энергия ресурсларига бўлган талаб ошаётгани, углеводород хомашёси захиралари камайиб бораётгани қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш миқёсини янада кенгайтиришни, “яшил” иқтисодиётни кенг татбиқ этишни тақозо қилмоқда. Самарадорлик пасайиши, харажатлар ўсиши, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг ошишига олиб келадиган, кўп ресурс талаб этадиган иқтисоднинг эски моделини енгиб ўтиш замоннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланди. Янги глобал “яшил йўл”ни танлаш ривожланишнинг муҳим омилларидан бири бўлиб, у жаҳон иқтисодиёти ва молиявий тизимига барқарорлиқни қайтариб беришни, инсон ривожланишининг турғун ўсишини таъминлайди.

Содда қилиб айтганда, “яшил” иқтисодиёт бу — қайта тикланувчи, ресурс тежамкор, чиқитсиз ва кам чиқитли технологияларни кенг қўллайдиган, иссиқхона газларини имкон қадар кам чиқарадиган, атроф-муҳит учун хавф камайтирилган, табиий ресурслардан самарали фойдаланувчи иқтисодиётдир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар натижасида барқарор ривожланишга эришилади, атроф-муҳит ҳолати яхшиланади. Табиий ресурслар таназзулга учрашининг олди олинади, биологик хилма-хиллик асраб қолинади.

Қувонарлиси, мамлакатимиз атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, экологик барқарорлиқни таъминлаш борасида дунё ҳамжамиятига ўрнак бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилга қадар парник газларни атмосферага чиқаришни қисқартириш

бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга содиқ эканини, шу муносабат билан “яшил” технологияларни кенг жорий қилиш ва “яшил” энергетика

“ ҲАР ҚАНДАЙ ДАВЛАТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ ОЛТИТА МУҲИМ ОМИЛГА БОҒЛИҚ. БУ БИРИНЧИДАН, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ, ИККИНЧИДАН, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ, УЧИНЧИДАН, ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК, ТЎРТИНЧИДАН, МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК, БЕШИНЧИДАН, ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ОЛТИНЧИДАН, ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДИР.

соҳасидаги лойиҳаларни, жумладан, умумий қуввати 100 МВтга тенг Нурота ва Нуробод қуёш станцияларини ишга тушириш орқали шахсий намуна кўрсата олди.

Шунингдек, “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича мамлакатимизда муҳим қадамлар ташланди. Ўзбекистонда 2026 йилга бориб қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қувватини 8000 МВтга ошириш орқали қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш салмоғини 25 фоизга етказиш режалаштирилган. Бу йилгига 7 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газни тежаш, атмосферага 12 миллион тоннадан зиёд иссиқхона газ чиқаришининг олдини олиш имконини беради.

Қайд этиш жоизки, “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзусидаги биринчи халқаро конференция дунёда глобал муаммолар юқори даражага кўтарилган бир пайтга тўғри келди. Хусусан, бевосита инсоният тақдирига, унинг эртанги кунига дахлдор бўлган сув ресурслари танқислиги, хавфли ва юқумли касалликлар ортиши, экологик таназзулнинг авж олиши, глобал иқлим ўзгариши ҳамда озик-овқат хавфсизлиги сезилаётгани дунё аҳлини ташвишга солмоқда.

Айни вақтда “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, Орол фожиаси салбий оқибатларини камайтириш

риш ҳамда Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва экологик жиҳатдан қайта тиклаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим аҳамият касб этади.

Аграр секторда “яшил” иқтисодиётни жорий этиш истиқболли йўналишлардан бўлиб, у экологик тоза кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайди. Шу боис, Ўзбекистоннинг муҳим ташаббусларидан бири аҳоли сони ўсиши, ер-сув ресурслари танқислиги таҳдид солаётган бир пайтда минтақада озик-овқат хавфсизлиги ечимига йўналтирилган “ақли кишлоқ ҳўжалиги” ва агроинновациони амалга жорий этиш борасида ҳамкорлик концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳисобланади. Шу билан бирга, органик ўғитлардан фойдаланадиган деҳқончилик, “ақли кишлоқ ҳўжалиги”, юқори ҳосилдорлик ва оғир tupроқ-иқлим шароитига чидамли кишлоқ ҳўжалиги генотипини яратишда илмий-инновацион ишланмаларга жуда катта эҳтиёж сезилмоқда. Бундан ташқари, Марказий Осиё минтақасида ҳанузгача сув ресурсларининг 90 фоизигача кишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун олиниб ва асосан, самарасиз сугориш усулларидан фойдаланиб келинмоқда.

Қайд этиш жоизки, энергия ва ресурс тежайдиган биотехнологияларни ишлаш ҳисобига дунёда агрокимёвий кишлоқ ҳўжалигидан агробиологик кишлоқ

ҳўжалигига ўтиш ва натижада tupроқ унумдорлигини тиклаш ва шўрланиш даражасини камайтириш, юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш ҳамда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Шу муносабат билан мамлакатимизда кишлоқ ҳўжалигидан илгор инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси аъзолари ҳамда экспертлар гуруҳи томонидан ўсимликлар тўлиқ озқиланишини таъминлаш учун янги биоўғитлар ишлаб чиқилди ва улар асосида ресурстежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали био-агротехнология яратилди.

Ушбу технология Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг кучли ва ўртача шўрланган ерларида гўза, бугдой, соя, картошка, иссиқхоналарда эса сабзавот, полиз ва дуккакли экинларда синовдан ўтказилганда ҳамда янги натижаларга эришилди.

Янги авлод биоўғитларининг кишлоқ ҳўжалиги соҳасида кенг қўлланилиши натижасида экологик жиҳатдан tupроқнинг агрокимёвий таркибига қараб минерал ўғитлар миқдори 25–50 фоизга, tupроқ ва ўсимликларнинг фосфорланиш ҳамда шўрланиш даражаси камайдди, tupроқ унумдорлиги 20–30 фоизгача ўсди. Натижада иқтисодий жиҳатдан ҳосилдорлик 20–25 фоизга ошиб, ҳосил пишшиш мuddати 15–20 кунга қисқарди. Шунингдек, сарфланадиган сув миқдори 25–30 фоизга ва уруғлар меъёри 10–20 фоизга камайиб, ўсимликларнинг қурғоқчилик ва совуққа чидамлилиги ошди.

Ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган биргаликдаги қатъий саяё-ҳаракатларимиз, албатта, ўз самарасини беради. Бу ҳамкорлик нафақат минтақамизда, мамлакатимизда, балки бутун дунёда барқарор ривожланишга эришиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Бунёдкорлик

Бошланиш 1-бетда

Ўзига хос меъморий ечимга эга замонавий уй-жой, ишлаб чиқариш корхоналари, инфратузилма тармоқлари, маданий-маиший иншоотлар гнёҳ унмас дала-даштнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди. Андижонликлар кўз ўнгига бўй чўзиб, тобора ястаниб бораётган янги шаҳарда яшашга ошuftа бўлаётганлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Янги шаҳар ўзига хос меъморий ечимга эга лойиҳалар асосида қад кўтараётгани билан эътиборни тортади. Лойиҳа Туркия компаниялари ҳамкорлигида маҳаллий аҳоли яшаш тарзи, ер ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шаҳар қурилиши 8 босқичда амалга оширилади ва 500 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шу мақсадда умумий майдони 2000 гектар бўлган ерда уй-жой, ижтимоий соҳа объектлари, саноат ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилмоқда. Шунингдек, оқова сувни тозалаш иншооти, ичимлик сув тармоғи, 35 киловаттлик кичик электр станцияси, табиий

“ Беш юз мингга яқин аҳоли истиқомат қилиши кўзда тутилаётган янги шаҳарчада кўп қаватли уйлар, биринчи навбатда, муҳтож оилаларга ажратилади, субсидиялар, шунингдек, имтиёзли кредитлар бериш орқали уларнинг мушкултини осон қилиш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

газ тақсимлаш ва насос станциялари, иситиш қозонхоналари, ирригация тармоқлари бунёд этиш билан боғлиқ амалий ишлар бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ.

— Ўзига хос меъморий қиёфага эга шаҳарча лойиҳаси мамлакатимизда камёб саналади, — дейди Андижон вилояти бош архитектори Анваржон Алимов. — Лойиҳанинг биринчи босқичида 5 қаватдан 9 қаватгача бўлган, 3 минг 310 хонадондан иборат 170 кўп қаватли уй-жой қурилади. Шаҳарнинг ўзига хос жиҳатларидан бири, барча кўп қаватли уйлар ҳовлисида яшил ҳудудлар барпо этиш учун алоҳида жойлар ажратилган. Турар жой бинолари квартал шаклида жойлаштирилгани кўчаларни кенг ва равон, транспорт ҳаракати ва тўхтаб туриши қулай бўлишини таъминлайди. Дастлабки босқичда



1680 ўринли мактаб, 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 250 қатновли поликлиника қурилиши поёнига етмоқда. Турар жойларнинг барча муҳандислик-коммуникация тармоғи ер ости коллектори ичида жойлашган бўлиб, худуди узлуқсиз ва хавфсиз коммунал хизматлар билан таъминлаш имконини беради.

Шаҳар марказидан 14-15 километр олисда асрлар давомида сувсизликдан қуриб-қақшаб ётган ердаги бунёдкорлик ишлари ҳайратингизни оширади. Қўли қўлига тегмай меҳнат қилаётган курувчилар, турфа қурилиш анжомлари ортлган машиналар қарвони орзулар шаҳри томон ҳаракатланмоқда. Айни кунга қадар 34 та кўп қаватли уй қурилиши поёнига етказилди. Яна 40 та уй қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНАЁТГАН ОРЗУЛАР

— Улкан қурилишда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз, — дейди “Бил-21” МЧЖ раҳбари Омаджон Йўлдошев. — Шу кунга қадар 5 қаватли энергиятежамкор битта уйни қуриб битказдик, яна 4 та уй кураимиз.

Шаҳар марказидан олис, инфратузилма тармоқлари йўқ ҳудудда кўркам ва замонавий шаҳарча бунёд этилади, дес, кўпчилик ишонмагани. “Дала-даштда янги шаҳар қуриш орзу-ҳавасдан бошқа иш эмас. Бунинг учун озмунча иш ва маблаг керак бўладими?” деганлар бугун хижолатда.

— Вақт тоғдими дегунча, шу ерга келаман, — дейди меҳнат фахрийси, кекса журналист Аҳмадали Солиев. — Бу ерларга иморат қуриш эмас, оддий сув чиқариб, экин экишининг ўзи хомхаёл эди. Денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда жойлашган ерга сув чиқариб, катта шаҳар қурилишини бошлашга ҳеч кимнинг ҳақди сизмаган. Чунки бундай катта ҳажмдаги ишлар учун иқтисодий имкониятлар етишмаган. Бу жиҳатлар бугун ўтмиш хотираларига айланди. Мамлакатимиз иқтисодий қудрати, салоҳияти бунда-да катта ишларни бажаришга қодир. Насиб қилса, фарзандларимга шу

ердан уй олиб беришни кўзлаб турибман. Ахир обод маконда яшаш, ишлашнинг завқи бошқача бўлади.

Бу ерда яшайдиган аҳолини иш ўрни ва даромад манбаи билан таъминлаш ҳам эътиборга олинган. Кўп қаватли уйлар массивига ёндош ҳудудда “Best impeks” корхонаси ташаббуси билан трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши поёнига етмоқда. Бир вақтнинг ўзида 2 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланади. 2000 гектарли Янги Ўзбекистон боғи ҳамда яшил майдонлар яратилди. Майдондаги дов-дарактларни сугориш учун ҳовуз ва томчилатиб сугориш тизимлари ишга туширилди.

— 2016 йилгача Андижон вилояти бўйича бор-йўғи 4 минг 846 хонадонли якка тартибдаги, бир-икки қаватли уй қурилган, холос, — дейди вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Рустамжон Ҳожиматов. — Шу рақамнинг ўзи узоқ йиллар давомида айтишга арзигулик қурилиш бўлмаганини кўрсатади. Охириги беш йилда аҳолининг уй-жойга талабини қондириш мақсадида 11 минг квартиралар кўп қаватли ҳамда 4 минг 400 якка тартибдаги уй

қурилди. Жорий йилнинг ўзида 6 минг 346 хонадонли 271 кўп қаватли ва ипотека кредитлари асосида 2 минг 500 якка тартибли уй барпо этилмоқда.

Бу айтишга осон. Лекин унинг замирида меҳнат ва изланиш, яратувчилик йўлида берилган имтиёз ва имкониятлар мужассам эканини илғаб олиш қийин эмас. Ҳозирги кунга қадар юзлаб хонадонлар учун бошланғич туловларни амалга ошириб, ватан ичра ватанли бўлишга иштиёқманд уй соҳиблари замонавий шарт-шароитли хонадонларга кўчиб келиш тараддуудида турибди.

Беш юз мингга яқин аҳоли истиқомат қилиши кўзда тутилаётган янги шаҳарчада кўп қаватли уйлар, биринчи навбатда, муҳтож оилаларга ажратилади, субсидиялар, шунингдек, имтиёзли кредитлар бериш орқали уларнинг мушкултини осон қилиш борасида амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

— Яшаш жойимиздан бир оз узоқда қурилаётган янги шаҳардаги бунёдкорликлардан бохабар бўлишга ҳаракат қиламан, — дейди Дилфузахон Йўлдошева. — Лойиҳачиларга балли. Ҳамма шароитлар мужассам. Бу ердан уч хонали уй олишни ният қилгилми. Насиб қилса, янги йилни шу гўштада ошонайлайми. Янги уй оиламиз учун бўлган ишчи бўлишига ишонаман. Ҳозирга қадар қуриб битказилган уйлар атрофи замонавий манзара касб этган. Йўллар ва унга туташ йўлаклар бўйларига экилган дарахтлар илдиз отаётган бўлса, яшил “майдонча”лар унга ўзгача шуқуҳ ва фойз бахш этиб турибди. Болалар майдончаларида яратилган шароитлар кичкинтойларга олам-олам қувонч бағишлайди.

Аҳоли узогини яқин қилиш мақсадида замонавий тезкор автобуслар ҳаракатини йўлга қўйиш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сирасини айтганда, Янги Андижон шаҳарчасидаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари тўфайли бир-биридан кўркам ва салобатли бинолар, ишлаб чиқариш тармоқлари қад ростаяпти. Халқимизга хос яратувчанлик салоҳиятини намён этаётган бу бунёдкорликлар Янги Ўзбекистон солномасида янги саҳифалар яратаётгани билан ҳам қувонади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАҲЛИЛ

ЭКОЛОГИЯ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ЖАМИЯТ УЧУН ЯХШИРОК “Better Cotton” дастури ана шу мақсадни кўзлаган

Ўтган ҳафта “Better Cotton Initiative” нодавлат нотижорат ташкилоти билан мамлакатимиз пахтачилигида “Better Cotton” дастури татбиқ этилишига киришилди. Хўш, бу қандай дастур ва бундан кўзланган мақсад нима? Куйида шулар ҳусусида фикр юритамиз.

Аввало, “Better Cotton Initiative” ҳақида икки ғиз сўз: у нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, бугунги кунда дунёнинг 21 мамлакатида пахта етиштиришнинг яхши стандартлари ва амалиётини тарғиб қилади. Бу ташкилот жаҳон пахта ишлаб чиқаришининг 14 фоизини қамраб олади, дегани. Шунингдек, ташкилот билан бир қатор дунёга машҳур сотув брендлари ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлик қилади. “H&M”, “Gap”, “IKEA”, “Levi Strauss”, “USAID” кабилар шулар сирасидан. Умуман, бугунги кунда “BCI” 2 мингдан зиёд аъзога эга. Шундан 85 та чакана сотуви ва брендлар бўлса, 1 минг 39 таси етказиб берувчилар ҳамда ишлаб чиқарувчилардир.

“BCI” шунингдек, БМТнинг сув ресурслари ва қишлоқ ҳўжалигининг глобал барқарорлигини яхшилаш мақсадларига эришишга ҳисса қўшиб келмоқда. Ташкилот сувдан самарали фойдаланиш, тупроқ ва табиий яшаш муҳитини сақлаш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг зарарли усулларига таъсир қилишни минималлаштириш, топа сифати ва муносиб меҳнат тамойилларини қўллашга ундаб келади.

Таҳлилларга қараганда, шундай чора-тадбирлар туфайли покистонлик фермерлар сувдан фойдаланишни 40 фоизга, ҳиндистонлик ер эгалари эса икки баробар камайтиришга эришган.

Маълумотларга қўра, ҳозирги пайтда дунё бўйича пахта етиштириш билан 250 миллиондан ортиқ киши шўғулланади. Лекин, шу билан бирга, ҳар йили пахта далаларида 28 минг киши пестицид билан заҳарланишдан ҳалок бўлади. Дунё бўйича пестицидларнинг 20 фоизидан ортиги ғўза майдонларида қўлланилади. Бундан ташқари, бир жуфт жинси шим ишлаб чиқариш учун зарур миқдорда пахта етиштиришга 8500 литр сув керак бўлар экан. Пахта ва у асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ер юзида ҳар қуни ҳар бир одам фойдаланади. Демак, пахта ҳозирги иқтисодиёт ва келажак учун ҳам зарур ҳомашё.

Ташаббуснинг аҳамияти нимада?

Таҳлиллар пахта етиштиришда атроф-муҳит мусаффолиги, меҳнат шaroитлари сингари муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Яхшилانган пахта ташаббуси бундай муаммоларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятли. Яъни ташкилот етти та йўналиш — ўсимликларни ҳимоя қилиш, сувдан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, биологик хилма-хиллигини таъминлаш, топа сифати, муносиб меҳнат ва самарали бошқаруш ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу орқали дунё миқёсида пахта етиштириш, уни етиштирувчилар турмуш шaroити, ғўза ўсаяётган атроф-муҳитни ҳамда пахта саноатининг келажакни яхшилашга ҳаракат қилинади.

“BCI” стандарт тизимига мувофиқ етиштирилган пахта “яхшиланган пахта” деб номланади. Бу сертификатлаштириш дастури эмас, балки доимий равишда такомиллаштиришга асосланган лицензиялаш дастуридир. У маҳсус жараён — тартиб-тамоийилларга асосланган тизим. Яъни ҳилан пахта деганда толаннинг ўзи ёки унинг ҳусусиятлари эмас, пахта етиштириш усули тушунилади.

Яхшиланган пахтани барқарор маҳсулот сифатида ривожлантириш орқали дунёда бу тармоқни такомиллаштириш назарда тутилган.

“BCI” тамойилларига мувофиқ, пахта етиштирувчи ҳамда тегишли синовдан ўтган фермерлар ўзи етиштирган пахтасини “яхшиланган пахта” сифатида сотиш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритади. Пахтани “яхшироқ” қиладиган омил уни етиштириш, ишлаб чиқариш усули ҳисобланади.

“BCI”ни қўқса қилиб ишлаб чиқарувчилардан тортиб, чакана сотувчига қадар, пахта етиштиришнинг зарарли экологик ва ижтимоий таъсирини камайтириш ҳамда пахтачиликнинг келажакни янада ҳавфсизроқ қилиш учун ҳамкорликда ишлашга қарор қилган қўп томонлама тарафдорлар ташаббуси, десак бўлади.

— Ҳозир мажбур стандарт тизими асосида етиштирилган пахта етказиб беришнинг айна вақти, — дейди

“Better Cotton Initiative” нодавлат нотижорат ташкилоти бош директори Алан МакКлэй. — Ўзбекистон пахтасига бутун дунёда талаб катта. Жаҳон тўқимачилик саноати вакиллари ўзбек пахтасининг юқори сифатга эгалигини яхши билади. Уларни бундан ташқари яна иккита жиҳат қизиқтирар эди. Бу пахтачиликда шаффофлик ва муносиб меҳнат шaroити яратилганидир. Буларнинг бари кейинги йилларда тўлиқ таъминланмоқда. Айниқса, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бартараф этилгани халқаро ҳамжамият томонидан олқишланапти.

Ўзбекистон 2019 йилдан бери “BCI” билан ҳамкорлик қилиб, “Better Cotton” дастурини жорий қилмоқда. Хусусан, “Indorama Agro”, “Navbahor Textile”, “BCT Cluster” пахта-тўқимачилик кластерларида ушбу йўналишдаги пилот лойиҳа муваффақиятли амалга оширилган.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ғояси билан ташкил этилган кластерлар амалиётга инновация, илғор агротехнологияларни татбиқ қилаётгани ҳисобига пахта-тўқимачилик соҳасида сифат ўзгаришларига эришилмоқда, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Қўқса давр ичида экин ерларининг ҳолатини яхшилаш баробарида, йирик саноат корхоналарини



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ

ишга тўширди. Натижада тўқимачилик маҳсулотлари экспортни 1 миллиард доллардан 3 миллиард долларга етказилди. Бизда ушбу кўрсаткични қаррасига ошириш имконияти мавжуд.

Дарҳақиқат, яхшиланган пахта ва органик маҳсулот етиштиришга бўлган қучли иштиёқ, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида яратилаётган “саноат занжирини” Ўзбекистон пахтачилиги жадал ривожлантаётганидан далолат беради. Хусусан, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ишлохотлар боис, пахта етиштиришда мажбурий ва болалар меҳнатида буткул ўзс кечилди. Фермерларга маҳсулотини ўзлари етиштириши учун шaroит яратилмоқда. Мана шундай ижобий ўзгаришлар туфайли жорий йилнинг баҳорида “Cotton Campaign” коалицияси Ўзбекистон пахтасига бойкотни бекор қилди. Ваҳоланки, бунгага “Adidas”, “Zara”, “C&A”, “Gap”, “H&M”, “Levi Strauss”, “Tesco”, “Walmart” каби дунёга машҳур 331 та бренд ва ритейлар ўзбек пахтасидан олнган ҳар қандай маҳсулотни ишлатмасди. Оддий қилиб айтганда, пахтамиз, толамиз бор-у, уни эркин сота олмас эдик. Жаҳон бозори худди биз учун ёпиқ эди. Энди бундай тўқилар йўқ.

— Биз Ўзбекистон ҳукумати томонидан мажбурий меҳнат масалаларида олиб борилган ишлохотларни қўлайимиз ва улар халқаро ҳамжамият кутган натижаларни кўрсата олганини тан оламиз, — дейди “Cotton Campaign” халқаро коалицияси вакили Ралука Димитрески. — Шу билан биргаликда, ташаббусларни давом эттириш ва брендлар билан мулоқотни йўлга қўйишда ўз қўғамимизни беришга тайёرمىз.

Булардан қўринадики, бугун Ўзбекистонда пахта хомашёси етиштиришдаги ўзгариш ва ташаббуслар ўзи-



Имконияти кенг соҳа

Чиндан ҳам, кейинги йилларда мамлакатимизда пахтачилик тармоғида юқори сифатли, саноатбоп тола олинмоқда. Бу жараёнда хорижнинг илғор ютуқлари ўрганилиб, амалиётга халқаро стандартлар татбиқ қилинапти. Шу маънода, айтиш мумкинки, Ўзбекистон пахта етиштириш ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилиш бўйича юқсак салоҳиятга эга мамлакат.

Республикаимизда мавжуд 134 пахта-тўқимачилик кластери томонидан ҳар йили ўртача 3,5 миллион тоннага яқин пахта хомашёси етиштирилиб, 1,1 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади.

Охириги пайтларда Ўзбекистонда тўқимачилик саноатида жиддий ижобий ўзгаришлар кузатилапти. Жумладан, сўнгги тўрт йилда соҳада ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробарга (32,6 триллион сўмдан 64,8 триллион сўмга), экспорт ҳажми 1,8 баробарга (1,6 миллиард доллардан 2,9 миллиард долларга) ошгани, тайёр маҳсулот улуши 36 фоиздан 53 фоизга қўпайгани, экспорт ҳажми



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

2,9 миллиард долларга (ўсиш 157 фоиз), соҳада банд бўлганлар сони эса 400 минг нафар (112 фоиз)га етгани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, соҳада амалга оширилган ишлохотлар, пахтачиликнинг янги тизимини тўқимачилик корхоналарига боғланган ҳолда ривожлантириш, хомашёни чўқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўлайтириш мақсадида 2020–2021 йилларда 150 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилди.

Жорий йилда соҳа корхоналари томонидан 71,5 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб (ўсиш суръати 110 фоиз), 3,3 миллиард долларлик экспорт (114 фоиз) қилиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, умумий қиймати 841,1 миллион долларлик 86 лойиҳа амалга оширилиб, 25 мингдан зиёд янги иш ўрни ва 292,5 миллион долларлик экспорт салоҳияти яратилди.

— Шу билан бирга, ҳали ушбу тармоқда ишга солинмаган жуда қўп имкониятлар мавжуд, — дейди “Ўзтўқимачилик саноат” уюшмаси раиси Илҳом Ҳайдаров. — Яъни бугунги кундаги соҳанинг мавжуд салоҳияти ва имкониятидан ҳамда халқаро майдонда мавжуд тўқилар бартараф этилганидан келиб чиққан ҳолда, ташқи бозорларда “Ўзбекистон тўқимачилиги” деган брендини шакллантириш керак. Бунинг учун 2022–2026 йилларда соҳани ривожлантириш дастури доирасида жами қиймати 2,8 миллиард долларлик 355 дан зиёд инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

Лойиҳаларни амалга оширишда юқори қўшилган қийматни яратишга қаратилган тўқув, бўёқ ва аралаш толали экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ургу бериш зарур.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

ХАВФСИЗ, ТАРТИБЛИ ВА ҚОНУНИЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ

хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимизни дунёнинг ривожланган давлатларига — манзилли ишларга жалб қилиш имконини беради

Мамлакатимизда меҳнат миграциясини тартибга солиш, соҳани янада такомиллаштириш борасидаги ишлохотлар, бозор талабларига асосланган миграция сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда турли мамлакатларнинг салоҳиятли иш берувчиларини ҳамкорликка жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



Пойтахтимизда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Халқаро миграция ташкилоти, хорижлик иш берувчилар ва халқаро экспертлар иштирокида бўлиб ўтган меҳнат миграцияси бўйича илк халқаро форум ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мажбур тадбирда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг имкониятлари ва ўзбекистонлик меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, жорий ва келажакдаги бозор талабларига асосланган миграция сиёсати, ўзбекис-

яратиш, уларнинг реинтеграцияси юзасидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда “Тадбиркор меҳнат мигранти” лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Меҳнат мигрантлари оилаларига моддий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам амалий ишлар олиб боришмоқда. Бу йўналишда ватандошларимизга хизмат қилувчи “Labour migration” дастурий мажмуаси, “Call-марказ”, агентлиkning худудий филиаллари ва Россия, Жанубий Корея, Қозғистон ва Туркияда ваколатхоналари томонидан ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилмоқда.

Халқаро форум доирасида “Энг яхши хорижий иш берувчи” танлови

ТАДБИРДА ИШТИРОКЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА G2B, B2B ШАКЛИДАГИ УЧРАШУВЛАР, ФУҚАРОЛАРНИ КАСБ-ҲУНАР ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ЎҚИТИШДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “ИШГА МАРҲАМАТ” МОНОМАРКАЗИГА ЭКСКУРСИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

тонлик меҳнат мигрантлари малакасини ошириш ҳамда ташкилий меҳнат миграциясини тартибга солишга мўлжалланган бошқарув тизимлари ҳамда турли мамлакатлар салоҳиятли иш берувчиларини ҳамкорликка жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги уч йил давомида миграция географиясини кенгайтириш орқали хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимизни дунёнинг ривожланган давлатларига ишга жалб қилиш салмоғи кенгайди. Ушбу йўналишда хорижнинг ваколатли давлат ташкилотлари ва салоҳиятли иш берувчилари билан доимий музокара-лар олиб бориш натижасида бугунги кунда 30 га яқин давлатнинг 480 га яқин ташкилоти билан ҳамкорлик келишувлари имзоланиб, Ўзбекистон фуқаролари ташкиллаштирилган тартибда хорижга ишга жўнатишмоқда.

— Агентлигимиз Ўзбекистоннинг 15 дан ортиқ қонуни, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар асосида иш олиб боради, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги раҳбари Афзал Эрматов. — Президентимизнинг 2020 йил 15 сентябрдаги “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш қўқсиди” қарори бу борада муҳим аҳамиятга эга. Қарор асосида 2021–2022 йилларда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилишнинг натижасида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган фуқароларни республика бўйлаб 17 та “Ишга марҳамат” мономаркази ҳамда 150 дан ортиқ касб-ҳунарга ўқитиш марказида 30 га яқин касбга ва 10 га яқин чет тилига ўқитиш орқали назарий ва амалий тажрибаси оширилди.

Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилий ва қонуний хорижга юбориш борасида амалий натижаларга эришилди. Хориждан қайтган меҳнат мигрантларига имкониятлар

голиблари тақдирланди. Бу номинация бўйича Туркиянинг “Renaissance Heavy Industries”, Буюк Британиянинг “Pro-Force Ltd”, Россиянинг “Поволжское строительное предприятие” ташкилотлари, “Чет тили ва касбий таълим дастурларини жорий этувчи энг яхши ҳамкор” номинацияси бўйича Швейцариянинг “Globe concept AG”, “Ўзбекистон фуқаролари учун ижтимоий имтиёзлар тақдим этувчи энг яхши ҳамкор” номинацияси бўйича Германиянинг “ConsultingUz”, Россиянинг “КАМАЗ” ва “Велесстрой”, “Ташкиллаштирилган, хавфсиз ва қонуний миграция тизимини жорий этган энг яхши ҳамкор” номинацияси бўйича Жанубий Кореянинг “Human Resources Development Service” ташкилоти голиб деб топилди.

Тадбирда иштирокчилар ўртасидаги дўстлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида G2B, B2B шаклидаги учрашувлар, фуқароларни касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитишда олиб борилаётган амалий ишлар билан таништириш мақсадида Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказига экскурсия ташкил этилди.

Форум доирасида хорижда ишлаш истагидаги Ўзбекистон фуқароларини чет элга ишга жалб қилиш бўйича 6 та давлатнинг 20 га яқин иш берувчи ҳамда рекрутинг агентлиги ва Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ўртасида келишувлар имзоланди.

Мажбур форум нафақат Ўзбекистондаги меҳнат миграцияси соҳасидаги ютуқлар, балки шу йўналишнинг ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар, чет эл тажрибаси фикр алмашиш ҳамда ахборот ва муҳокама платформаси бўлиб хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, хорижий иш берувчи ва рекрутинг агентликлари билан эришилган келишувлар келгусида хорижда ишлаш истагидаги юртдошларимизни дунёнинг ривожланган давлатларига манзилли ишларга жалб қилиш ҳажмини ошириш имконини беради.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

ФРАНЦИЯДА УЛУҒВОР ТАРИХИМИЗ БЎЙ КЎРСАТМОҚДА



Жаҳонгир ОСТОНОВ, Фанлар академияси Шарқшунослик институти таянч докторанти

Бошланиши 1-бетда

Кўргазмани ўтказиш гоёси, аслида, анча аввал пайдо бўлган, бироқ турли сабаблар туфайли уни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар орта сурилган. 2018 йилда давлатимиз раҳбари Францияга ташрифи чоғида Лувр музейига ҳам борган эди. Олий даражадаги ташриф чоғида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси билан Лувр музейи ўртасида кўргазма ташкил этиш бўйича келишув имзоланди.

Кўргазмада намойиш этиладиган экспонатлар юртимиз тарихининг милоддан аввалги III-II асрларидан теурийлар ҳукмронлиги ниҳоясигача бўлган даврларга оид. Улар орқали тарих ихлосмандлари Марказий Осиё тарихининг энг ривожланган даврлари ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлади.



МОЗИЙГА НАЗАР

ШОҲИ ЗИНДАНИ КЎРИБ, ЛОЛ БЎЛИБ ҚОЛДИМ...

“Гумбаз остидаги асосий хонага қадам қўйдик. У ерда номи жаҳонга машхур Амир Темурнинг қабри турарди. Хонанинг деворлари сон-саноксиз нақшлар туширилган феруза тошлар ёпиштирилган бўлиб, жануби-ғарб томон йўналган устун Маккани кўрсатиб турарди”, деб ёзади француз адиби Жюль Верн “Клодиус Бомбарнак” романида.



Умид БЕКМУҲАММАД, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Маълумки, дунёга машхур франциялик ёзувчи Жюль Верн (1828-1905) Урта Осиёга умуман келмаган. Бироқ унинг 1892 йилда нашр этилган юқоридаги романи Самарқандга келиб кетган сайёх таассуротидек фикр уйғотади. Романда Амир Темур ҳақида яна кўплаб маълумотлар, шунингдек, Самарқанддан ташқари Марв, Марғилон, Қўқон,

Ушбу улкан тарихий давр оралиғида Ўзбекистон заминида турли давлатлар ва подшоликлар ҳукм сурган. Дастлаб воҳа-давлатлар деб аталувчи, кейинчалик юнонлар истилосидан сўнг пайдо бўлган Юнон-Бақтрия давлати, кушонлар салтанати, эфталлийлар давлати, турк хоқонлиги, сомониёлар, қорахонийлар, салжукийлар ва хоразмшоҳлар давлати мўғиллар босқинига қадар ҳукм сурган энг йирик подшоликлар эди. Улар ўз даврида бутун дунёда энг йирик салтанатлар қаторида тилга олинган.

Мўғиллар истилоси юртимиз тарихида зулмат рамзи сифатида қолган. Ушбу даврни ривожланишда орта қолиш даври, дейиш ҳам мумкин. Истилодан олдинги кўплаб маданий бойликлар таланди, шаҳарлар вайрон бўлди. Қадим Самарқанд шахри хувиулаб қолди, Урганч ва Бухоро сингари шаҳарлар харобага айлантирилди. Кейинчалик буюк саркарда Амир Темур даврида бу ҳудудлар қайта тикланди. Жумладан, Самарқанд шахри ўз ўрнидан бошқа ерда қайта қад ростлади ва Шарқнинг энг йирик илм-маърифат, маданият марказига айланди. Бу давр тарихимизда “Темурийлар Ренессанси” деган ном билан эсланиши беҳиз эмас. Бу жабҳада буюк Темурнинг набираси Мирзо Улуғбекнинг хизматлари бекиёс.

Намойиш этиладиган экспонатлар орасида биз ҳали кўришга улгурмаган янги топилмалар, турли хорижий коллекция ва музейларда сақланаётган мамлакатимизга тегишли бойликлар, шунингдек, Ўзбекистон музейлари захирасидан олиб борилган турли санъат дурдоналарини кўриш мумкин. Улар орасида Далварзинтепа хазинаси, Қофирқалъадаги ёғочга ишланган уймакор нақшлар, Бухорининг Варахшасидан топилган деворий суратлар ҳамда Самарқанддаги Афросиёб деворий суратлари, турли хайкалтарошлик буюмлари, Катта Лангар Қуръони марказий ўрндан жой олган. Барча экспонатлар қиймати жиҳатидан бир-бирдан асло қолишмайди. Бу ҳоқ кушонлар салтанатига оид деворий суратлар бўлсин, хоқ ислом даврига тегишли кумуш тангалар ёки металл буюмлар бўлсин, ҳар бирининг ўз тарихи бор.

Кўргазманинг аҳамиятли жиҳати шундаки, у мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларда янги даврни бошлаб беради. Франция Ўзбекистоннинг маданий соҳадаги энг асосий ҳамкорларидан биридир. Ушбу нуфузли тадбир орқали бу шериклик янги босқичга кўтарилади. Чунки бундай қўламли лойиҳа мамлакатимиз тарихида ҳали кузатилмаган. Кўргазманинг дунёдаги энг кўп сайёх борадиган маданият даргоҳи —



Лувр музейида ташкил этилиши унинг даражасини кўрсатиб турибди. Ўзбекистоннинг туристик салоҳияти ва имижини кўрсатишда ҳам кўргазма муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Чунки юқорида таъкидланганидек, Лувр музейи дунёда сайёхлар ташриф буюриши жиҳатидан энг юқори ўринда туради. Кўргазма мамлакатимизга янада кўпроқ сайёх жалб қилиш учун ажойиб имконият.



Кўргазма доирасида қилинган ишлардан бири сифатида ўзбек ва француз тилларида нашр этилган “Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида” номли каталогни ҳам санаб ўтиш лозим. Китоб дастлаб француз тилида тайёрланиб, кейин ўзбек тилига таржима қилинди. Бир гуруҳ маҳаллий ва европалик тарихчи, санъатшунос, шарқшунос олимлар мақолаларидан иборат ушбу китобнинг ўзбекча нашри Ўзбекистон Фанлар академияси

вице-президенти, тарих фанлари доктори Баҳром Абдуҳалимов ҳамда Санъатшунослик институти директори, тарих фанлари номзооди Шокиржон Пидоев умумий тахрири остида Лувр музейи томонидан нашр қилинди.

Мазкур каталогни чиқаришдан мақсад Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида тамаддунлар кесишуви, кўплаб маданий ўзига хосликлар, етук санъатнинг бир қанча қирраларини юзага келтирадиган бадийи хусусиятларни кўрсатиб бериш орқали ўқувчида юртимиз тарихи ҳақида ёрқин ва тўлиқ тасаввур ҳосил қилишидир. Ушбу китоб кўргазма мазмунига мос равишда воҳа-давлатлар ва Юнон-Бақтрия салтанатининг ташкил топишидан теурийлар салтанатининг охиригача бўлган даврни қамраб олган беш бўлимдан иборат.

Биринчи бўлимда воҳа давлатлар вужудга келган давр ва уларнинг маданий юксалиши ҳақида сўз боради. Сақлар, сарматлар, қанғулар ва юзчиқлар миграцияларининг маданий тавсифи, археологик топилмалар, хусусан, Далварзинтепа ва Холчаён тарихий ёдгорликлари ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Иккинчи бўлимда III-VIII асрлардан иборат беш асрлик давр ҳақида сўз боради. Бу давр хунлар ва туркларнинг янги миграцияси билан алоҳида аҳамиятга молик. Шунингдек, мазкур давр Хитой, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё ўртасида ипак савдоси орқали машхур сўғд савдогарларининг олтин даври сифатида ҳам тилга олинади. Евроосиё минтақасида савдо-сотик ривожии билан бирга туташ ҳудудлар маданиятининг барча унсурлари ҳам бўлган сарой санъатининг энг юксак чўққига кўтарилган даври ҳисобланади. Савдогарлар нафақат тижоратчи, балки маданий мулоқотни таъминловчилар,



бўлиб қолдим. Агар мен бу ердаги инсон ақл-заковати билан бунёда келган қошинлар, бино пештоқлари, нақшлар, тахмонларнинг ясалиши ва бошқаларини тасвирлайверсам, умрим етмаса керак, деб қўқмаман. Бу ерда тасвир эмас, фақат мусаввирнинг мўй-қалами асқатиши мумкин, холос. Осиё даҳоси билан яратилган бу тенги йўқ меъморчилик ансамбли қаршида инсон ақли адашади”.

“...Тенги йўқ гўзал Самарқанднинг қаерига борманг, бир-биридан гўзал ҳашаматли бинолар кишини мафтун этади. Мен бир муҳбир сифатида Темур мақбарасини кўрмасдан кетишни истамасдим. Гўри Амир мақбараси меннинг тасаввуримдаги ҳам башанроқ, яъни улғуворроқ экан. У феруза гумбази билан ўз жамолини кўз-кўз қилиб турарди. Гумбаз остидаги асосий залга



“КЎРГАЗМАДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ЭКСПОНАТЛАР ЮРТИМИЗ ТАРИХИНИНГ МИЛОДДАН АВВАЛГИ III-II АСРЛАРИДАН ТЕУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ НИҲОЯСИГАЧА БЎЛГАН ДАВЛАРГА ОИД. УЛАР ОРҚАЛИ ТАРИХ ИХЛОСМАНДЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИНГ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ДАВРЛАРИ ҲАҚИДА АНИҚ ТАСАВВУР ҲОСИЛ ҚИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИ.

маданият экспорт ёки импорт қилувчи сифатида ҳам ҳурматга сазовор бўлган. Афросиёб, Варахша ва Болаликтепа манзилгоҳларидан топилган деворий тасвир ва тимсоллар, шунингдек, Қофирқалъанинг уймакорлик намуналари ўша давр сарой санъати ва унинг улғуворлиги билан тўлиқ танишиш имконини беради. Китобдан мазкур давр тарихи ва ёдгорликлари ҳақида қимматли маълумотларни олиш мумкин.



Навбатдаги бўлимда ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши ва унинг юртимиз тарихидаги ўрни ҳақида сўз боради. Бу даврдан бошланган илк Шарқ Ренессансига улкан ҳисса қўшган, Ўзбекистон заминидан етилиб чиққан олимлар ҳақидаги мақолалар, ислом оламиди муътабар саналган китоблар ва Қашқадарё вилоятидан топилган Катта Лангар Қуръони ҳақидаги муҳим маълумотларни айнан шу бўлимда ўқиш имконияти мавжуд.

Тўртинчи бўлимда сифат, бойлик ва бадий тарққиёт мезонларига ҳеч қандай таъсир кўрсатмасдан, минтақадаги сиёсий ва маданий аҳволнинг ўзгаришига сабаб бўлган давр тарихи ёритилган.

Айнан қорахонийлар даврида Юсуф Хос Ҳожиб туркий тилда “Қутадғу билиг” асарини ёзган. Асарларнинг аксарияти жамиятдаги илғор қатлам вакиллари орасида, шунингдек, бутун мусулмон дунёсида тарқалиши учун араб тилида ёзилган. Илм-фан, хусусан, табибёт ривожланган. Ғарба латинча Materia medica номи билан авлодларга сақланиб қолган юнон шифокори Диоскориднинг асари 1083 йилда Самарқандда араб тилига ўғрилган.

XI аср ўрталари қорахонийлар сулоласининг давлат бошқаруви, шунингдек, ҳукмдор Тамғачхон шарофати билан Мовароуннаҳрда илк мадраса қурилган давр сифатида тарихга муҳрланган. Минтақага туташ ҳудуд — Орол денгизининг жанубидаги Хоразмда 1110 йилда, яъни хоразмшоҳлар сулоласи даврида форс тилида табибётга оид қомус ёзилган бўлиб, унга Абу Али ибн Сино асарлари киритилган. Бу даврнинг охири Чингизхон ва мўғил қўшинларининг XIII-XIV асрларда Ғарбга босқинчилик юришлари билан изоҳланади. Улар ўзидан кейин ҳеч қандай муҳим маданий ва бадийи мерос қолдирмаган.

Китобнинг сўнги бўлимида минтақанин юксалиш даври ҳисобланган теурийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши тарихи баён қилинган. Сулола асосчиси Амир Темур сиёсий ва ҳарбий истеъдоди туфайли ҳокимият тепасига келди ва Самарқандни пойтахтга айлантирди. У Уртаер денгизи ва Хитой ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва бадийи марказга айланган ҳақиқий салтанатни барпо қилди. Самарқанд шахри ва бутунги кунгача сақланиб қолган ранг-баранг обидлар бу буюклиқдан далолат беради. Бу давр теурийлар сарой кутубхоналарида китобат санъатига ҳомилий қилгани туфайли миниатюра расомчилигининг олтин даври ҳамдир. Барча китобат санъати ижодкорлари Самарқанд ва Бухорода жам бўлган.

Хулоса қилганда, кўргазма ва унинг доирасида нашр этилган китоб Ўзбекистон тарихининг муҳим даврлари ҳақида дунё ахлини хабардор қилишда катта амалий қадамлардан бири бўлади.



қадам қўйдик. У ерда жаҳонга машхур Фотиҳ Темурнинг қабри турарди. Чиройли ёзувлар битилган қора яшм (нефрит) тоши қўйилган бу қабрда XIV аср Осиё тарихида исм-шарифи донг таратган Амир Темур суяклари тўрттовлон ўғилларининг қуршовида ётарди. Залнинг деворларига ҳам сон-саноксиз нақшлар туширилган феруза тошлар ёпиштирилган бўлиб, жануби-ғарб томон йўналган устун Маккани кўрсатиб турарди...”


Романда, шунингдек, водий, хусусан, Қўқон ва Марғилонга доир воқеалар ҳам ёритилган: “Марғилон нуфуси олтимиз минг киши, иқлими одам саломатлиги учун зарарли бўлган Қўқон эмас. Марғилон Фарғона водийсининг расман пойтахти. Камина 15 ой Қўқон гарнизонида хизмат қилдим. Афсуслар билсинким, сиз ўз осиеча қиёфасини тўла сақлаб қолган бу шаҳарга кела олмайсиз. Сиз бу ерда бутун Осиёда тенги йўқ гўзал ерларни, баландлиги юз метр бўлган тепаликка қурилган маҳобатли Худоевхон саройини, унда олдинги ҳукмдорлардан қолган, ўзбек усталари ясаган замбаракларни кўришингиз мумкин эди. Бу сарой бекорга меъморий мўъжиза дейилмас экан. Хорижликлар соф шарқона меҳмоннавозлик билан қўтиб олинадиган қирмизи ранг залларни ва мафтункор меъморий тасвирларни, ранг-баранг нақшнинг ички ҳовлини, шаҳар ва унинг атрофи қафдк кўриниб турадиган айвонларни, биноларнинг жимжимадор олд кўринишларини ажойиб ишқомлар ва ток зангидан ҳосил бўлган супачаларни кўриб, уларни тасвирлашга ҳар

қандай кишининг тили лол қолиши турган гап”.

Хуллас, роман қаҳрамони — “XX аср” француз газетасининг муҳбири Клодиус Бомбарнак бутун йўлни поездеда ўтиб, ўз газетасига барча кўрган-кечирганларини етказиб туради. Маълумки, бу роман яратилган пайтда темир йўл фақат Самарқандгача келган эди. Жюль Верн эса фантаст адиб сифатида ҳаёлда йўлни Пекинга қадар олиб боради. Сафар давомида эса кўрганларини муфассал тасвирлаб, ўз газетасига юбориб туради. Жюль Верндек машхур адиб гарчи Урта Осиёга келмаган, бу ерларни кўрмаган бўлса-да, Европада чоп этилган тарихий асарлар ва газеталарда бериб борилган бизнинг тараннимиз тўғрисидаги мақолаларни татан таҳлил қилган ҳолда, улардан ўз романида унумли фойдаланади.

Амир Темур замони ва ундан кейинги даврларда француз адиблари, тарихчилари Сохибқирон ва у яшаган замин, яъни юртимиз тўғрисида ажойиб асарлар яратди. Масалан, Люсьен Керен француз теушурунослигини юқори чўққига чиқарди. Умрининг катта қисмини Мовароуннаҳр тарихини ўрганишга бағишлади. Узининг эколог, тупроқшунос касбини ўзгартириб, тарихчига айланди. “Амир Темур салтанати” номли машхур монография яратди.

Шунингдек, Жан-Поль Ру “Темур”, “Бобур”, Жан-Луи Бакз-Грамон “Улуғбек — астрономия султони”, Амин Маалуф “Самарқанд” асарларини ёздики, буларнинг бари Францияда Марказий Осиёга қизиқиш катта бўлганини исботлайди.



100 жылдлик МУЎТАШАМ МАЖМУА

Бошланиши 1-бетда

Ана шу эзгу ташаббус асосида юртимизда “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жипдлик асарлар мажмуаси нашр этилди. Кун кеча Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Бериуний номидаги Шарқшунослик институтида жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлган ушбу муқташам мажмуанинг тақдими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов сўзга чиқиб, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги маънавий-маърифий ташаббуслар, эзгу ва инсонпарвар лойиҳалар, хусусан, “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилдлик асарлар мажмуаси нашр этилишининг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги адабий дипломатияни шакллантиришдаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий аҳамияти, туркий халқлар ўртасида ягона тарих ва умумий қадриятлар тимсолига айланган адабий алоқалар ҳақида фикр билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев ушбу йirik мажмуани яратиш билан боғлиқ жараёнда, олиб боришган илмий ва ижодий изланишлар ҳақида маълумот берди.

Мажмуага умумтуркий адабиётнинг қадимги даврдан то бугунги кунимизга қадар яратилган асарлари, жумладан, Ўзбекистон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, шунингдек, Туркменистон ва Венгрия давлатларининг мумтоз ва замонавий адаблари ижодидан энг сара намуналар киририлган.

Мажмуанинг “Умумтуркий адабиёт намуналари” деб номланувчи дастлабки 5 жилдидан



Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойик”, Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Боқирғонийнинг “Ҳикматлар”и ҳамда Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузид”и каби мумтоз асарлари ўрин олган. 28 жилдни ташкил этган “Ўзбек адабиёти намуналари” Алишер Навоийнинг сайланма ғазаллари билан бошланиб, қорақалпоқ адабиёти намуналарини ҳам ўз ичига олади.

Мажмуада турк, озарбайжон, қозоқ, қирғиз ва туркман бадий ижодиётига ҳам кенг ўрин ажратилган. Жумладан, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Низомий Ганжавий, Насимий, Фузулий, Махтумқули, Мулланафас, Нозим Ҳикмат, Самад Вурғун, Абай, Мухтор Авезов, Собит Муконев, Чингиз Айтматов, Тўлаган Қосимбеков, Мар Бойжиев, Отажон Тўгон каби мумтоз ва замонавий адабиётнинг 100 дан ортиқ намоёндалари қаламга мансуб ноёб мерос жамланган. Таниқли венгер адибларининг асарларидан қилинган таржималар яқунловчи жилд сифатида тақдим этилган.

“Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламини нашрга тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташкилотчилигида қисқа муддатда катта меҳнат, залворли ижодий иш амалга оширилди. Мажмуа учун материал тўплаш мақсадида қардош давлатларга бир неча бор ижодий сафарлар уюштирилди. Энг малакали таржимонлар, адабиётшунос ва матншунос олимлар, адиблар, муҳаррир ва расомлар тўпламини тайёрлаш ва чоп этиш ишларига кенг жалб қилинди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер маҳказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Маърифат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашувдаги ташаббуси билан бошланган, маърифий-ижтимоий ҳаётимизда оламшумул адабий янгилик саналмиш воқеа ниҳоят рўй берди. Бундан салкам икки йил аввал нашр ишларига тайёргарлик бошланган муаззам ва муқташам мажмуа — “Туркий адабиёт дурдоналари” деб номланган юз жилдлик адабий ганжина адабиётни қадрловчи ихлосмандлар қўлига етиб борди.



Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси, Ўзбекистон халқ шоири

Мазкур кенг қўламли ва залворли бадий асарлар силсиласига умумтуркий адабиётнинг энг сара намуналари, шунингдек ТУРКСОЙ ташкилотига аъзо давлатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Туркия мамлакатлари ёзма адабиётининг энг қўзғатқучи қўлдан қўйилган маълум ва машҳур намуналари, шу билан бирга, хунгар (венгер) адабиётидан Янош Арон асари киририлди.

Беихтиёр бир замонлар Москвадаги “Художественная литература” нашриёти томонидан “Всемирная литература” (“Бутунжаҳон адабиёти”) руқни остида чоп этилган 200 жилдлик асарлар мажмуи хаёлдан ўтади. Ким эришиб, ким эришолмай армонда қолган у асарлар силсиласи қўрқамлиги билан бир қаторда, барча халқлар, хусусан, Марказий Осиё халқлари адабиётига бирдек ўрин ажратилмаган эди.

Бугун қорақўз ўқувчилар варақлаш баҳтига муяссар бўлиб турган “Туркий адабиёт

“ЙИГИРМА САККИЗ ЖИЛДНИ ТАШКИЛ ЭТГАН “ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ” ҲАЗРАТ АЛИШЕР НАВОЙИЙНИНГ САЙЛАНМА ҒАЗАЛЛАРИ БИЛАН БОШЛАНИБ, ЎТТИЗ УЧИНЧИ — “ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИ АНТОЛОГИЯСИ” БИЛАН ЯКУНЛанади. Ундан сўнг кетма-кетлиқда келадиган қорақалпоқ адабиёти, турк ва озарбайжон адабиёти, қозоқ, қирғиз ва туркман адабиёти намуналарига ҳам кенг ва мўл ўрин ажратилганки, ўқувчи бу жилдларда маълум ва муайян халқлар адабиётининг энг машҳур намоёндалари ва асарлари билан ҳамдам ва ҳамнафас бўлади.

дурдоналари” юз жилдлик асарлар тўплами эса нафақат Марказий Осиё, балки бутун туркий тили давлатлар орасида амалга оширилган биринчи улкан адабий лойиҳанинг рўёбдаги ифодаси, Янги Ўзбекистоннинг янги сиёсати меvasи, она юртимизнинг қардош халқлар адабиётига нисбатан юксак ҳурмат-эҳтироми рамизи ҳисобланади.

Мир Алишер Навоий бобомиз бундан беш юз йиллар аввал:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менинадур,
дея фахр ва гурур билан башорат қилган муборак сўзлари шу юз жилдлик абадийта ҳазинаси мисолида ўз амалдаги ифодасини топгандай. Бир томонда устоз Эркин Воҳидов “Ўзбегим” қасидаси билан “Сўйлашмас Афросиёҳу сўйлашмас Ўрхун хати”, деб турган бўлса, бир ёндан “Низомий болидин халво пийшурмиш, Навоий забт этиб туркий жаҳонни”, дебон устоз Абдулла Орипов назмий лутфлари билан тавозе кўрсатиб турибди.

Мажмуада барча туркийзабон халқлар адабиёти вакилларига кенг ва муносиб ўрин берилганини зукко китобхон дарҳол илғаб олиши мумкин. Боиси, барча туркий халқлар адабиёти умумжаҳон адабиёти дунёсида алпақачон ўз мақоми ва юксак маъқени исботлаб келаётирки, бу масалада ҳеч қандай иштибоҳ ва шак-шубҳага ўрин йўқлиги беш панжадай қўрқиниб турибди. Шу пайтга қадар бундай улкан адабий-бадий лойиҳа бирор-бир замонда амалга оширилган эмас ва ушбу оламшумул воқеа Янги Ўғоннинг даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этаётган Янги



Ўзбекистоннинг маърифатпарварлик, тинчлик-товуқлик, бирдамлик ва маънавий камолот борасидаги янги сиёсатига ғоят мос ва муносибдир, дея айта оламиз. Буюк бобокалонимиз ҳам худди шу туйғуларни кўнгилдан кечириб, бугунги кунларни орзу айлаб, лутф қилгандай:

Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балки туркмон ҳам.

Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва хоҳиш-иродаси туйфали Туркий дунё бирлигига беқиёс ҳисса қўшган шеърят мулкунинг султони, улуг мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотни таъсис этиш ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши ва ташкил этилиши, бунинг Туркий давлатлар раҳбарлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани, аинқиса, унутилмас воқеа бўлди.

Туркий халқларнинг насрий, назмий дил харитасига мензатувчи мажмуада жами 117 нафар ижодкорга алоҳида жилд ажратилган. “Умумтуркий адабиёт намуналари” деб номланувчи биринчи фасл беш жилддан иборат. Биринчи, иккинчи жилдда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит-турк”, учинчи жилд Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” ва Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-хақойик”, тўртинчи жилд Аҳмад Яссавий билан Сулаймон Боқирғонийнинг “Ҳикматлар”и, бешинчи жилддан эса Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузид” асарлари ўрин олди.



Йигирма саккиз жилдни ташкил этган “Ўзбек адабиёти намуналари” Ҳазрат Алишер Навоийнинг сайланма ғазаллари билан бошланиб, ўттиз учинчи — “Замонавий Ўзбек насри антологияси” билан якунланади. Ундан сўнг кетма-кетлиқда келадиган қорақалпоқ адабиёти, турк ва озарбайжон адабиёти, қозоқ, қирғиз ва туркман адабиёти намуналарига ҳам кенг ва мўл ўрин ажратилганки, ўқувчи бу жилдларда маълум ва муайян халқлар адабиётининг энг машҳур намоёндалари ва асарлари билан ҳамдам ва ҳамнафас бўлади.

Юқорида венгер адаби Янош Арон ҳақида гапирган эдик. Тарихий манбалардан маълумки, ўзбек олим Исоҳқ Иброҳим венгриялик машҳур Ҳерман Вамберининг дўсти ва шогирди бўлган. Ўттиз йилга яқин Будапештда ашаб, илм билан шугулланган. Шу билан бир қаторда, у машҳур венгер адаби Янош Ароннинг “Ажойиб оҳунинг ҳикояти” асарини ўзбек тилига таржима қилган.

Қувонарлиси шундаки, ушбу асар яқинда давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан Тошкентда чоп этилди. Президентимиз ўзбек ва венгер халқлари ўртасидаги тарихий дўстликнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу китобни расмий таширф чоғида Венгрия Бош вазири Виктор Орбанга тақдим этгани адабий дўстликнинг абадий дўстлик эканини яна бир қарра исботлади.

Венгер ёзувчиси билан унинг мазкур асари охириг жилд бўлиб мажмуага киририлгани, табииyki, ҳазрати Ёфсдан тарқалган туркий томирларнинг теранлиги ва қадимийлигидан далолат беради.

Сараланган ижодкорларнинг эплик икки нафари ўзига замондош, услуби ва йўналиши жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган бошқа бир адиб ё шоир билан битта яхлит жилдга кирилди. Бундан ташқари, юз жилдлик тўпламдан замонавий ўзбек, турк, озарбайжон, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз адабиёти антология-баёзлари ҳам ўрин олган. Уларда алоҳида жилдга кирмай қолган шоир ва ёзувчиларнинг асарларидан намуналар танлаб берилди. Шуларнинг барчасини ҳисобга олганда, мажмуадан ўрин олган жами муаллифлар сони тўрт юз эпликдан кўпроқни ташкил этди.

Шак-шубҳасиз, қисқа муддатда катта иш, кенг қўламли меҳнат амалга оширилди. Муаллифлар ва асарлар таркибини шакллантиришда даставвал ҳар бир миллий адабиётнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари рўйхати тузилди. Ҳар бир туркий миллат адабиётидан ўзбек тилига қилинган таржималар рўйхати ўрганиб чиқилди. Ўта синчковлик талаб этидиган бу ишда шу кунгача амалга оширилган таржималар орасидан энг саралари, таржимачиликнинг мумтоз намуналари сифатида тан олинган асарлар мажмуага кирилди. Ўстоз таржимонлар меҳнатининг авлодлар томонидан яна бир бор эътироф этилиши баробарида, узоқ йиллардан бери қайта нашр этилмаган машҳур асарларни яна бир марта чоп қилиш ва ўқувчиларни ушбу таржималардан баҳраманд этиш имкони ҳам яратилдики, бу ўринда нуфузли ишчи гуруҳининг чеккан ранжу заҳмати алоҳида таҳсинга сазовор.

Ғафур Ғулум, Мирзакалон Исмоилий, Миртемир, Носир Ғозилов, Пиримкул Қодиров, Рауф Парфи, Тўхтасин Жалолов, Жамол Камол, Воҳид Абдуллаев, Ойдин Ҳожиева сингари устоз адиблар билан бир қаторда, ўрта ёш ва ёш таржимонларнинг жалб этилиши ўзбек таржимонлик мактабининг бардавомлиги билан қўлами ва залворини кўрсатиб турибди. Умуман олганда, юз жилдлик мажмуага кирган асарларнинг ўзбекчасини тайёрлашда икки юздан зиёд таржимон иштирок этди. Нашрга тайёрлаш, чоп этиш ишларига эса 115 дан ортиқ олим, адиб, муҳаррир ва таржимонлар Ёзувчилар уюшмаси томонидан жалб этилди.

Айтиш мумкинки, бугунги сертахлика, хавф-хатарга тўла дунёда, одамзодни қурол-яроғ, уруш-жанжаллар эмас, китоб, илму маърифат, эзгулик ва яхшилик кутқармоғига бани башар авлоди тобора имон келтириб бораётир.

Барчамиз бирдамликда тиклаётган тинчлик ва омонлик иморатига ушбу китоблар ҳам мустаҳкам йишлар бўлиб қўшилмоғига шак-шубҳа йўқ. Зеро, одам болалари учун дўстликдай мустаҳкам истеҳком, китобдай садоқатли дўст топилмағай. Жаҳолатга қарши фақат маърифат билангина қурашмоқ мумкин. Бунга туронзамин халқлари адабиёти гувоҳлик бериб турибди.

Ҳазрат Навоийдан тимсол байт олган,
Ўз сўзн дунёга дадил айт олган.
Мине йил қўрмагани бир йилда қуриб,
Ўз юртин қайтадан бунёд эт олган.
Оламга таралган шавкатим, шоним,
Марди майдонимсан, буюк Туроним.

Фақат бир йўл бордир — нажотга элтар:
Миллатлар, давлатлар, эллар, элатлар
Аҳдлашиб, дўстлашиб, қадрдонлашиб,
Бирлашиб олами обод этсалар...
Олам аҳли билан сайру жавлоним,
Давру давронимсан, буюк Туроним.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳих: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 02:45 Топширилди — 03:25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2. Баҳоcи келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.